

**“ТАСДИҚЛАЙМАН”**  
Сурхондарё вилоят телерадиокомпанияси  
директори *Б.Мингбоев*  
**“14” декабрь 2024 йил**

Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси ходимларининг  
умумий йиғилиши

**БАЁНИ №**

Термиз шаҳри

2024 йил “14” декабрь

Раислик килувчи: Б.Мингбоев – Сурхондарё вилояти телерадиокомпанияси директори  
Таклиф этилди: А.Бобомуратов – Сурхондарё вилояти прокуратурасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот хизмати раҳбари  
Иштирок этганлар: Бўлим ва гуруҳ раҳбарлари ва ижодий ходимлар

*(Б.Мингбоев, М.Жабборов, Б.Хўжамбердиев, А.Бобомуратов, Ў.Турмаматов, ...  
Б.Мингбоев)*

**КУН ТАРТИБИ:**

1. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш” тўғрисидаги Қонуни мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.
2. Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 октябрдаги “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонуни мазмун-моҳияти ва ундан келиб чиқадиган вазифалар ҳақида.
3. Турли масалалар.

Дастлаб, Сурхондарё вилояти телерадиокомпаниясида кун тартибидаги биринчи масала яъни, **Коррупцияга қарши курашиш чора-тадбирлари** юзасидан СТРК директори **Б.Мингбоев** фикр-мулоҳазаларини айтиб ўтди.

Хусусан, мазкур иллатга қарши курашиш бугунги кунда барчанинг асосий вазифаларидан бири эканлиги тушунтирилди. Шунингдек, ходимларнинг иш-фаолияти даврида содир бўлиши мумкин бўлган коррупцион ҳолатлар ҳақида батафсил тушунтиришлар бериб, барчанинг доимо огоҳ бўлиши зарурлигини таъкидлади.

Бундан ташқари Сурхондарё ВТРК директори **Б.Мингбоев** томонидан Ўзбекистон Республикаси “**Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида**”ги Қонуни юзасидан ҳам маълумотлар берилди. Ушбу Қонуннинг мазмун-моҳияти, яъни “манфаатлар тўқнашуви” тушунчаси хусусида ҳамда манфаатлар тўқнашуви кимлар ўртасида ва қачон вужудга келиши юзасидан батафсил тушунтиришлар берилиб, Қонун ижросини самарали ташкил этиш бўйича амалга ошириладиган чора-тадбирлар хусусида айтиб ўтди.

Йиғилиш давомида Сурхондарё ВТРКнинг бош юристконсулти Б.Хўжамбердиев Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш” тўғрисидаги Қонуни мазмун-моҳияти ҳақида тушунтиришлар бериб ўтди. Коррупциянинг турлари, келиб-чиқиш сабаблари ва оқибатлари айтиб ўтилди. Бундан ташқари Б.Хўжамбердиев мавзуга алоқадор норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар ҳақида ҳам батафсил маълумотлар берди.

Йиғилишда коррупцияга қарши курашиш Ўзбекистонда давлат сиёсатининг энг устувор йўналишига айланиб улгургани, буни сўнгги йилларда соҳага оид қабул қилинган аҳамиятга эга норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар, коррупциянинг олдини олишга қаратилган маъмурий ислохотлар мисолида ҳам кўриш мумкинлигини таъкидланди.

Сурхондарё вилояти прокуратурасининг Жамоатчилик билан алоқалар ва ҳуқуқий ахборот хизмати раҳбари А.Бобомуратов юқорида келтирилган маълумотлар аҳамиятли эканлигини билдириб, қонунчиликдаги нормаларни бузганлик учун жазо чоралари муқаррар эканлигини таъкидлади.

Унга кўра, “Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига коррупцияга оид жиноятлар учун жавобгарлик чораларини кучайтиришга қаратилган бир қанча нормалар киритилганини келтириб ўтди.

#### **Жумладан:**

- Жиноят кодексининг 205-моддаси (*Ҳокимият ёки мансаб ваколатини суиистеъмол қилганлик*) гаразли ниятларда содир этганлик учун базавий ҳисоблаш миқдорининг уч юз бараваридан олти юз бараваригача миқдорда жарима ёки муайян ҳуқуқдан маҳрум қилиб, икки йилдан беш йилгача озодликни чеклаш ёхуд беш йилгача озодликдан маҳрум қилиш билан жазолаш назарда тутилмоқда;
- Жиноят кодексининг 210-моддасига кўра, пора олганлик учун илгари ўн беш йилгача жавобгарлик белгиланган бўлса, эндиликда Қонун билан йигирма йилгача жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда;
- Жиноят кодексининг 211-моддасига кўра, пора берганлик учун илгари ўн беш йилгача жавобгарлик белгиланган бўлса, Қонун билан йигирма йилгача жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда;
- Жиноят кодексининг 212-моддасига кўра, пора олиш-беришда воситачилик қилганлик учун илгари ўн беш йилгача жавобгарлик белгиланган бўлса, Қонун билан йигирма йилгача жавобгарлик белгилаш назарда тутилмоқда.

Шуни алоҳида кайд этиш керакки, эндиликда коррупциявий жиноятларнинг алоҳида таснифи белгиланиб, унга кўра, Жиноят кодексининг саккизинчи бўлими **Коррупцияга оид жиноятлар** атамаси билан тўлдирилмоқда.

Шунингдек, А.Бобомуратов томонидан Ўзбекистон Республикаси “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги Қонуни юзасидан ҳам маълумотлар берилди. Мазкур қонунда келтирилган жиноятларни содир этганлик учун ҳам жазо чоралари муқаррар эканлиги айтилиб, аниқ мисоллар билан тушунтириб берилди.

Йиғилиш давомида мавзу доирасида фикр-мулоҳазалар билдирилиб, иштирокчиларни кизиқтирган саволларига жавоб берилди.

Кун тартибидаги масалаларни атрофлича муҳокама килиб йиғилиш

### Қ А Р О Р Қ И Л А Д И:

1. Бош юристконсулт (Б.Хўжамбердиевга) иш жараёнида Ўзбекистон Республикасининг “Коррупцияга қарши курашиш” ва “Манфаатлар тўқнашуви тўғрисида”ги қонунларда келтирилган нормаларга амал қилинишига эътибор қаратсин.

2. ТВ ва РЭ бош муҳарирлари, бўлим мудирлари ва гуруҳ раҳбарлари (И.Раҳматов, Ў.Турмаматов, М.Мирзақулов, М.Мухиддинов, С.Тўраевлар) мазкур Қонун талабларига доимий риоя қилиб борилсин.

3. ТВ ва РЭ бош муҳарирлари (И.Раҳматов, Ў.Турмаматовга) юқорида келтирилган Қонунларнинг мазмун-моҳиятини ҳақида доимий равишда телерадиомахсулотлар тайёрланиб, Telegram, Facebook, Instagram ижтимоий тармоқлари орқали ҳам кенг ёритиб борилсин.

4. Ўзбекистон Республикасининг 2017 йил 3 январдаги “Коррупцияга қарши курашиш” ва Ўзбекистон Республикасининг 2022 йил 25 октябрдаги “Манфаатлар тўқнашуви” тўғрисидаги Қонуни нусхалари барча ходимларга етказилиб, барча ходимлар мазкур йиғилиш баёни билан таништирилсин. (масъул: М.Сайдуллаева, Д.Неъматовлар. назорат: А.Бабамуратовга).

5. Ушбу қарор ижросини назоратга олиш директор ўринбосари М.Жабборов зиммасига юклатилсин.

Йиғилиш баёнини расмийлаштирди:



М.Сайдуллаева